

# ТЕЗКОР АХБОРОТ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал кутубхонаси негизида вилоят ахборот-кутубхона маркази ташкил этилганди.**

—Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан марказимиз компьютер ҳамда бошқа техник жиҳозлар билан таъминланган, — дейди марказ директори Мамлакат Самадова. — Бизда ишловчиларнинг 35 нафарини кутубхоначи ва ахборот технологиялари мутахассислари ташкил этади. Уларнинг барчаси компьютерда ишлашни билади. Малакаларини мунтазам тарзда ошириб келишяпти.

Бу масалага алоҳида ургу берилиши бежиз эмас. Замонавий кутубхоначи китобхонага зарур маълумотларни тезкор усулда етказиши, унга сифатли хизмат курсата олиши керак. Буни эса замонавий ахборот технологияларига таянмай туриб амалга ошириш мушкул. Шу боисдан бу ерда ҳали 2007 йилдан бошлаб Россиянинг “ИРБИС” дастури асосида китоб фондининг электрон каталогини яратишга киришилган эди. Шу асосда автоматлаштирилган иш ўринлари яратилди. Каталогга ҳозирги кунгача 36 минг 379 номда библиографик ёзув киритилди. Айни дамда марказдаги 36 та компьютернинг 33 таси локал тармоққа уланган. Яқинда эса бу ерда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буюртмаси билан “Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш маркази” томонидан яратилган “KADATA” автоматлаштирилган кутубхона дастури ўрнатилди.

— Шу тариқа ўзимизнинг миллий дастур асосида ишлашга ўтдик, — дейди марказ ахборот технологиялари бўлими мудири, “2009 йилнинг энг яхши АКМ му-

тахассиси” республика кўрик-танлови ғолиби Иқбол Саидова. — Бунинг учун марказимизда ўқув семинарлари ташкил этилди. Яратилган маълумотлар базалари мазкур дастурга киритилди. Гап шундаки, янги тизим ахборот олувчиларга қатор қулайликлар юзга келтиради. Биз бу ўринда тезкор маълумот олиш, электрон каталогларнинг чегараланмаган ўлчамларига эга бўлиш, исталган маҳсулот, шу жумладан аудио-видеоматериалларга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш каби жиҳатларни назарда тутаямиз. “KADATA” да икки тилли (рус-ўзбек) интерфейс борлиги эса рус тилини билмайдиган ходимлар ишини жиддий тарзда енгиллаштиради.

—Президентимизнинг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган 2006 йилда вилоятимизда 67 та ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилганди, — дейди Мамлакат Самадова. — Айни дамда эса улар сони 142 тага етган. Биз бу марказларга услубий ёрдам бераямиз, ходимлар малакасини ошириш мақсадида семинар ва машғулотлар, турли мавзуда кўргазмалар ташкил этаёмиз.

2009 йилда 1393 номда янги адабиётлар олинди. 2010 йил учун 73 номдаги газета, 72 номдаги журналларга обуна бўлинди. Ҳозир марказ томонидан яратилган электрон каталогда ҳужжатларнинг 36439 библиографик ёзувлари мавжуд. Уларнинг ҳажми 30,7 мегабайдни ташкил этмоқда. Бултур марказ хизматидан



салкам 25 минг киши фойдаланди. Уларга қарийб 27 минг номда мультимедия нашрлари берилгани, 3129 киши интернетдан фойдалангани эса замонавий ахборот технологияларини соҳага жадал жорий этиш давр талаби эканини кўрсатапти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,  
“Бухоронома” муҳбири.**

**Суратда: марказ етакчи кутубхоначиси Феруза Ҳуринова (чапда) ва ахборот технологиялари бўлими мудири Иқбол Саидова иш пайтида.**